

Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1441-ҳадис

1441/3533 - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَلَا تَعْجَبُونَ كَيْفَ يَصْرِفُ اللَّهُ عَنِّي شَتْمَ قَرِيبِي وَلَعْنَهُمْ؟ يَشْتَمُونَ مُذَمَّمًا وَيَلْعَنُونَ مُذَمَّمًا، وَأَنَا مُحَمَّدٌ.

1441.3533. Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қурайшнинг ҳақорату лаънатларини Аллоҳ мендан қандай қайтараётганидан ажабланмайсизларми? Улар «музаммам», деб ҳақорат қиладилар ва «музаммам», деб лаънатлайдилар, мен эса Мұхаммадман!» дедилар».

Изоҳ: «Музаммам» сўзи маънода «Мұхаммад» сўзининг тескариси бўлиб, «ёмонланган», «мазаммат қилинган» деган маънони англатади. Қурайш кофирлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган адватлари қаттиқлигидан у зот алайҳиссаломни ана шу сўз билан ҳам тилга олишар эди. Ҳолбуки, Аллоҳ Ўзи у зотга Мұхаммад деган исмни раво кўрган ва мазкур мушриклардан бошқа ҳамма у зотни Мұхаммад деб атар эди.

Манба: hadis.islom.uz

